«Қариялар — эл фахри, юрт ифтихори» танловига

# МИНГ ОЙ ВА БИР ОҚШОМ

Кекса авлод вакилларининг ҳамон эсида. Шўроларнинг кадрлар сиёсатида битта хунук қусур бор эди. «Ҳамма нарса инсон учун!», «Кадрлар — олтин фондимиз» сингари коммунизмнинг қобирғаси ҳисобланган дабдабали шиорлар катта минбарлардан айтилиб, баланд-баланд биноларнинг пештоқига йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилар, газеталарда пешсарлавҳа қилиб чиқариларди-ю, аслида бутунлай бошқа йўл тутиларди. Тонгдан оқшомгача, керак бўлса, тунни тонгга улаб, жонингни жабборга бериб ишлардинг-да, бир кун келиб, қилдан қийиқ топиб, эгаллаб турган вазифангдан шармандаларча бўшатиб юборишарди. «Ёмонотлиқ» тамғаси босилганидан кейин яқинингга бирон кимса йўламас, ўз ёғингга ўзинг қоврилиб қолавердинг. Кўксинг тўла орден ва медалларнинг эса сариқ чақалик қадр-қиммати бўлмасди. Яқин ўтмишдан мисоллар жуда кўп бунга.

Қарилик пенсиясига камдан-кам раҳбарлар омон-эсон етиб келишарди. Шундай ноёб бахтга мушарраф бўлганлардан бири нафақат Ўрта Чирчиқ тумани ёки Тошкент вилояти, балки бутун Ўзбекистон, ҳатто қўшни мамлакатларга ҳам яхши ном билан танилган Миразиз Рўзматовдир. Битта жамоа хўжалигига салкам қирқ йил сурункасига раислик қилган бу покиза инсон ва туғма деҳқон суронли йиллар силсиласидан ўзи безиён ўтибгина қолмасдан, қанотидаги жамоадошларию яқин сафдошларига ҳам шикаст етишига йўл қўймади.

Аммо Миразиз аканинг ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти осон ва текис кечгани йўқ. Қоронғи ва ёруғ кунлар ҳам, машаққат аламларию ва муваффақият қувончлари ҳам бўлди. Нафақат туман, балки вилоят, республика миқёсидаги раҳбарлар ўзгараверди, лекин у ўзига тўғрилиги, ишини пухта билиши, қўли покизалиги боис бирдай қолаверди. Жамоасининг тирикчилигини яхшилаш ҳақида қайғурди, шогирдлар етиштирди, муҳтож оилаларга ер ажратиб бериб, уйли-жойли қилди, беморлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган бева-бечоралар, фахрийлар ҳолидан хабар олиб турди. Бир сўз билан айтганда, катта оиланинг меҳрибон ва ғамхўр отахони бўлди.

Одам кексайгани сари босиб ўтган умр йўлига тез-тез нигоҳ ташлаб турадиган бўлиб қолади. Саксон беш ёшни қоралаётган Миразиз ака ҳам бундан мустасно эмас.

Миразиз Рўзматов ўтган асрнинг эллик саккизинчи йили хўжаликни қабул қилиб олганида собиқ раисдан унга оғир мерос қолганди. Бир йил аввал ҳар гектар ердан бор-йўғи 17 центнердан пахта ҳосили олинган, даромад паст, деҳқонларнинг кўнгли даладан совиган, бошбошдоқлик кучайган, хўжалик ҳамёнига эгри қўллар оралаган эди. Янги раис ҳовлиқмади ҳам, эсанкирамади ҳам. Баъзиларга ўхшаб «инқилоб» қилиш йўлини танламади. Биринчи навбатда деҳқонларни жипслаштириш, уларда яна ерга, меҳнатга муҳаббат уйғотиш лозим, деган қарорга келди. Ҳар соҳада хўжаликнинг суяги далада қотган фахрийлари билан маслаҳатлашиб иш юритди.

Раис сифатидаги биринчи хўжалик йилини у ёруғ юз билан якунлади. Пахта ҳосилдорлиги 21 центнерга чиқди. Одамларда янги раҳбарга, хўжалик истиқболига ишонч пайдо бўлди. Бу жуда муҳим эди.

Миразиз илк муваффақият нашидасини суриб, янги режалар тузиб ўтирганида, хонага икки мўйсафид кириб келди. Раис уларни яхши танирди. Миср ака бир вақтлар шу хўжаликда бригадир, Шоди ака раис бўлиб ишлаган, ҳозир пенсияда эдилар. Бу кўпни кўрган деҳқонлар беҳуда келишмаганини Миразиз сезиб турарди. Гап айланиб, хўжалик ишларига келиб тақалди.

— Ўғлим, ҳамма қилаётган ишларингиз тўғри... Фақат... — Миср ака у ёғини айтсамми ё айтмасамми, деган хаёлда сукут сақлаб қолди.

— Илтимос, ҳеч нимани яширмасангиз, мен сизларнинг маслаҳатингизга жуда-жуда муҳтожман, — ошкора суҳбатга чорлади раис. — Қолаверса, хўжалик ишларининг яхшиланишидан бир мен эмас, ҳаммамиз манфаатдормиз.

— Колхозда «ўлик жонлар» кўпайиб кетганидан хабарингиз борми? — Шоди ака дарров муддаога кўчиб қўя қолди. — Далада тер тўкмасдан ведомостга қўл қўйиб, пул олаётганлар борлигини биласизми?

Раиснинг бундай номаъқулчиликдан хабари йўқ эди. Фахрийлар кетишгач, бухгалтерни чақиртириб, суриштирди.

— Аввалдан шундай, — деди бухгалтер. — Ўзингиз биласиз, кутилмаган харажатлар чиқиб туради, келди-кетди, меҳмондорчилик дегандай...

— Табелга энди ўзим қўл қўяман, — қатъий оҳангда деди раис. — Агар меҳмон келса, ёнимиздан сарфлаб, чой-пой қиламиз.

Кўп ўтмай, яна битта сир фош этилди. Текшириб кўрса, бажарилган иш билан табелда кўрсатилган иш орасида фарқ бўларкан. Икки кун муҳлат берди. Табелни қайта тузиб келишди. Шундан кейин қилинмаган ишларга ҳақ тўлаш барҳам топди.

Уч-тўрт йил ичида ҳаммаси изга тушиб кетди. Хўжалик аста-секин юксала борди. Олтмишинчи йиллар ўртасига келиб, пахта ҳосилдорлиги 35-36 центнерга кўтарилди. Ҳар гектар майдондан қарийб 2000 сўмдан даромад олина бошланди. Энди маданий-маиший тадбирларга маблағ ажратса ҳам бўларди. Йўллар текисланиб, асфальт ётқизилди, шинам дала шийпонлари қурилди, колхозчилар янги иморатлар тиклай бошладилар, енгил машиналар сотиб олишди, хонадонларга файз-барака кирди. Катта йўл бўйида бунёд этилган муҳташам маданият саройи туманнинггина эмас, вилоятнинг ҳам оммавий-маданий ва маърифий тадбирлар марказига айланди. Қишлоқ бутунлай ўзгариб, хўжалик оғизга тушди.

Гарчи тумани бошқа бўлсада, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ўша пайтларда бутун Иттифоққа донг таратган «Политотдел» колхози билан чегарадош эди. Табиийки, бу икки хўжалик ўртасида зимдан рақобат ҳукм сурарди. Айниқса, каноп соҳасида. Каноп — қўл меҳнатини кўп талаб қиладиган, сермашаққат экин. У пишиб етилганидан кейин ўн-ўн беш кун ичида ўриб-йиғиб олинмаса, қўл пахтага бўшамай қоларди. Бир куни Миразиз ака механизаторларни тўплаб, кўпдан буён ўйлаб юрган режасини улар билан ўртоқлашди: канопни аввал трактор ёрдамида ерга ағдариб, кейин йиғиштириб олиш таклифини ўртага ташлади. Бу ғоя бошқаларга ҳам маъқул бўлди. Янги усул ўзини оқлади: кунлик суръат бирданига 15-20 фоизга чиқиб кетди. Ваҳоланки, «Политотдел» колхози 7-8 фоиздан оширолмаётган эди. Кўп ўтмай, бошқа лубкор хўжаликлар ҳам бу илғор усулдан хабар топиб, ўзларида жорий этдилар.

Одатда охунбобоевликлар политотделчилардан рентабелликда 15-16 фоиз орқада юришарди. Бора-бора улардан 3 фоиз олдинга ўтиб кетишди. Тақсимот ҳам «Политотдел»дагига қараганда юқорироқ бўлди. Бир куни машъал хўжаликнинг раиси Хван Ман-Гим Миразиз аканинг олдига келиб, бухгалтерия иши билан танишиши учун рухсат сўради. У Охунбобоев номли хўжаликнинг ҳисоб-китоб ишлари билан эрталабдан-кечгача қизиқди, керакли рақамларни сўради, ҳужжатларни кўздан кечирди, таҳлил қилди, қиёслади ва баъзи маълумотларни ён дафтарига ёзиб олди. Пировардида Миразиз акага тан бериб, жўнаб кетди.

Шахсий ҳаётда ҳам, меҳнатда ҳам, хулқ-атворда ҳам намуна бўлиш Миразиз аканинг асосий қуроли эди. Бугунги кунда Охунбобоев номли ширкат хўжалигига раислик қилаётган Қурбонали Жўраев шундай эслайди:

— Тўқсон иккинчи йил эди. Бригадир сифатида янги иш бошлаган кезларим. Бектемир каналида сув бирдан кўпайиб, даламизга сув ўтадиган катта ариқнинг бир томони ўпирилиб, мушкул аҳволда қолдик. Ғўзалар чанқоқ, суғориш керак, аммо сувни далага буришнинг иложи йўқ, у пастга қараб оқиб кетаяпти. Агар ариқни қайта қазиб, бетонлаб чиқадиган бўлсак, вақтдан ютқазамиз — ғўзамиз сувсизликдан қовжираб қолади. Нима қилиш керак? Бошимиз гаранг бўлиб турган бир пайтда ариқ тепасига Миразиз ака етиб келдилар.

— Тезда одамларингизни тўпланг, — дедилар. — Кетмон, белкураклари билан келишсин.

Кўп ўтмай, йигирма чоғли одам йиғилди. Бунгача Миразиз аканинг ўзлари кийимларини машинага ечиб, ишга шай бўлиб турдилар. Бир зумда одамларга иш тақсимлаб бердилар. Ким шу яқин орадаги толзордан новдалар кесиб келишга, бошқалар тепалик ёнбағридан чим қирқишга юборилди. Узун четан ясадик, ҳамма сувга тушди. Бир чеккадан чим босиб, ариқнинг ўпирилган четини «ямаб» олдик: сув яна дала томон оқа бошлади. Эртасига 45 гектар ердаги ғўзага сув таралди. Таъмирланган ариқ ўша мавсумга яраб берди.

Миразиз Рўзматов кўп йиллар катта хўжаликнинг донгдор раиси, саккиз йил вилоят партия қўмитасининг аъзоси, ўн йил республика Олий Кенгашининг депутати бўлишига қарамай, ундаги оддийлик, самимият, ҳалоллик, тўғрисўзлик, одамларга меҳр, покизалик, худди гўдакдек беғуборлик фазилатлари бутун умрга сақланиб қолди. Кексайганида эса мана шундай хислатлари қаторига яна донишмандлик ҳам қўшилди. Бу ширинзабон инсон билан суҳбатлашсангиз, гап орасида сиз ҳали умрингизда эшитмаган, бирорта китобда ёзилмаган ғалати иборалар, ҳикматли сўзларни айтиб юборишига эътиборни, албатта, жалб этасиз. Биз ҳам ён дафтарга улардан баъзиларини ёзиб қўйдик: «Ер — масъум гўдак, риёни билмайди, уни «сиз»лаш керак», «Қўлингиз калта, тилингиз узун бўлиб яшанг», «Деҳқончилик дангасаликни ёқтирмайди», «Раҳбарнинг қўли ҳамиша покиза бўлиши лозим», «Адолат Аллоҳнинг ер юзидаги ўлчовидир» ва ҳоказо.

— Бутун республикага таниқли раис бўлганингиз ҳолда Гдляннинг қатағони нечук Сизни четлаб ўтди? — сўраймиз Миразиз акадан.

— Озгина илинадиган жойим бўлса, мени ҳам соғ қўймасди, хумпар, — кулади-



у. — Вилоят бўйича бор-йўғи тўртта хўжалик унинг рўйхатига тушмай қолган. Кейин билсак, пахта заводларидан олинган маълумотларга қараб иш кўрган экан. Бизнинг пахтамиздан тола чиқиши 33,8 фоиз эди. Кўрсаткичи шундан пастроқ хўжаликларнинг рўйхатини тузиб чиқиб, ҳибсга олаверган, деб эшитдим.

Миразиз ака раисликни бундан олти йил муқаддам, 75 ёшида ўз ихтиёри билан топширди. Унга ҳеч ким тазйиқ ўтказгани, шунга мажбурлагани йўқ. Аксинча, учинчи маротаба ариза ёзганидан кейингина унга рухсат беришди. Бу ақли расо инсон энди давр ўзгарганини, хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган усуллари зарур бўлиб қолганини, бу иш фақат ёшларнинг қўлидан келишини тушуниб етган эди. Барибир, уни фахрий раис қилиб қолдиришди.

Яқинда Миразиз ака хонадонида бўлдик. Бектемир қишлоғидаги оддийгина уй. Айтишларига қараганда, у пенсияга чиқаётганида омонат кассасида бор-йўғи 14 минг сўм пули бўлган экан. «Сув ичсанг ҳам, тинч ухла» деган ҳикматни кўп такрорлайди отахон. Бутун ҳаёти мобайнида мана шу мезонга амал қилиб, йўлдан адашмади, ҳамқишлоқлари орасида ҳурмат, обрў-эътибор топди. Мана, энди рафиқаси Субинисо ая, уч ўғил, икки қиз, ўттиз беш нафар невара ва эваранинг меҳри оғушида умргузаронлик қилмоқда.

Кечга яқин ижозат сўраб ўрнимиздан турдик. Миразиз ака кўчагача кузатиб чиқдилар. Машинага ўтираётганимизда ота осмонга бир тикилдилар-у, фотиҳага қўл очдилар. Биз ҳам фалакнинг ўша нуқтасига қарадик. Яхшилаб чархланган ўроқдек ялтираб турган янги ой чиққан экан. Ким билсин, шу чоқда бу нуроний мўйсафиднинг кўнглидан нималар кечдийкин?! Беармон ва безавол ўтган катта умрга, жамики савобу гуноҳ ишларимизнинг гувоҳи бўлган ойнинг мингинчи чиқишини кўриш насиб этганига шукроналик бўлса, ажаб эмас.

**Сен азиз этган қулингни**
**ҳеч киши хор айламас,**
**Сен агар хор айласанг,**
**ҳар ерга борса хордир.**

Бу мумтоз сатрлар гўё Миразиз акага атаб ёзилгандек туюлди, назаримизда.

**Тўхтасин ҒАНИЕВ,**
**Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг бўлим бошлиғи,**

**Тоҳир МИРҲОДИЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**



**Умрни оқар дарёга қиёслашади. Оқаверади, оқаверади. Кимдир шу югурик умрини эзгуликка сарфласа, яна кимдир... Хўқанди латифда салкам саксон йиллик умрини фақат эзгуликка, фарзандлар тарбиясию юрт равнақига сарфлаган отахон яшайди. Отахонни ўзи истиқомат қиладиган маҳалла аҳлигина эмас, шаҳарнинг катта-кичиги ҳурмат қилади. Ёши ўтинқираб қолган кишилар "Илоҳим, Мамадали ота ва Назирой момодек қўша қаритсин. Эл-юрт эътиборидан қолдирмасин", дея ният қилишади.**

**Мана, салкам олтмиш йилдирки, Мамадали ота ва Назирой момолар бирга. Узоқ йиллар турли идораларда ишлади, озми-кўпми, одамларга нафи тегди. Қўша-қўша фарзандларни тарбиялаб улғайтирди. Ҳозир эса фарзандлари, невараю эваралари қуршовида тинч ва фаровон умр кечиришмоқда.**

**— Дунёда мустақилликдан-да улуғ неъмат, тинчлик-фаровонликдан-да улуғ бахт бўлмайди. Барчасига етказганига шукур, — дейди отахон.**

***СУРАТДА: қўша-қариганлар Мамадали ота ва Назирой момо Мамажоновлар.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Кўнгилларда мавж урган меҳр

*Боёвут туманидаги «Боёвут» ширкат хўжалиги шу куни нуроний отахонлару мунис онахонларнинг учрашув жойи бўлди. Эрталабданоқ хўжалик ҳудудидаги қатор қишлоқлардан кишилар бу ерга оқиб кела бошлашди.*

Ҳали эгнини кузак либосига алиштирмаган боғ гўзал эди. Дастурхонда турли ноз-неъматлар. Бу боғни дийдор боғи, бу дастурхонни дийдор дастурхони, десак, сира муболаға бўлмайди. Хўжалик раҳбарлари бу дийдор базмига бир ойдан кўпроқ тараддуд кўришди. Мақсад шу хўжаликни хўжалик қилиб, уни бутун Ўзбекистонда донг таратишига муносиб ҳисса қўшган юзлаб одамларга иззат-икром кўрсатиш эди.

Тўрт юз етмиш нафар етмиш ёшдан ошган қарияларга алоҳида сарпо тарқатилди. Олтмишдан ошганларга алоҳида туҳфалар улашилди. Бу тадбир чоғи ўтганлар хотираси ёдга олинди. Тириклар ҳақида, улар босиб ўтган умр йўли тўғрисида таърифлар янгради.

Агар қўшни хонада унутиб қолдирган дўппингизни келтирган кичкинтой болангизга «О, яшасин, балли!» деб қўйсангиз, унинг нафақат кўзи, балки кўнгли ҳам яшнаб кетади. Шу кўнгилда яна олқиш эшитишга рағбат туғилади. Митти юракларки, қадрга эҳтиёж сезгач, катталар кўнглида бу эҳтиёж ўн бора кўпроқ бўлади. Даврадаги юзларини ажин босган, кўзларидан нур кета бошлаган бу одамлар ўзлари ҳақида айтилган ҳар бир илиқ гапни табассум билан тинглар, бош силкиб «маъқул» қилишарди.

Уларнинг ҳар бири далада, боғда, фермада, хўжалик ҳудудидаги заводда узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилишди. Афсуслар бўлсинки, уларнинг сафида бугунги кунда Қуддус Рашидов, Тошбой Шоимов каби хўжалик раҳбарлари, гектаридан 40-50 центнердан пахта етиштириб, бутун мамлакатга донг чиқарган Бобо Умрзоқов, Музаффар Сафаров, Тилов Абдалиев, Наби Эгамназаров, Абдуғаффор Алимов, Эржигит Мингжигитов сингари эл эъзозига сазовор бўлган деҳқону зиёлилар йўқ.

Қизиқ бир тарих. Ҳоким бувалар хўжаликка келганда Тилов Абдалиев даласида унган қовундан бир тилим ейишган экан. Орадан бир ҳафта ўтгач, одам юборишиб, кўргазмага қўйиш учун шу қовундан ўн дона олдириб кетишибди. Музаффар Сафаров салкам қирқ йил хўжаликдаги йирик бир бўлимга раҳбарлик қилади. У иш деганда, оддий одамларнинг манфаати деганда, юзинг-кўзинг демаслиги билан ном чиқарганди. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг юз минг гектарлаб далаларига экилаётган «АН-Боёвут-2» пахта нави айнан мана шу далалардан ҳаётга йўлланма олганди.

Ҳанифа Суярова деган ажойиб аёл бор эди. 12 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараган бу инсон вафотидан икки кун аввал ҳам дала айланганлигини бугунги кунда ҳамқишлоқлари тез-тез ёдга олишади.

Раҳима Усмонова, Абдусамат Саидмуродов, Муслима Нишонова, Малика Насриддинова, Саидмурод Тўлиев, Очил Ҳайдаров, Абдувоҳид Қиличев, Душа Ўроқов, Одил Мавлонов, Жамол Ўрмонов сингари ўнлаб, юзлаб фахрийлар ҳозирда қарилик гаштини суришмоқда. Душа бобо Ўроқов юз билан юзлашди. Аммо далага бориб ғўза оралашни канда қилмайди. Очил бобо Ҳайдаров саксонга кирганлигига қарамасдан, маҳалладаги ҳашарларга қатнашиши билан кўпчиликни ҳайрон қолдиради.

Сўнгги сўз шуки, «Боёвут» хўжалигини республикага танитган, ҳар йили ўн минг тонна пахта, ўн минг тонна ғалла берадиган жамоага айлантирган мана шу одамлар бир-бирларини кўриб, юзларига табассум ёйилди. Уларнинг юзидан шу тадбирдан, ўтган умрларидан, юртнинг тинчлигидан мамнун эканликлари билиниб турарди.

— Вилоят ва туман ҳокимликларининг қўллаб-қувватлашлари туфайли мана шу кечани ўтказишга муваффақ бўлдик, — дейди ширкат хўжалиги раиси Ғофуржон Алиев. — Эътибор берган бўлсаларингиз, даврадаги мингдан ошиқ одамга хизмат қилган ўнлаб ёшлар уларга ҳавас кўзи билан қарашди. Балки ҳавас сўзи унчалик тўғри бўлмас, назаримда, уларнинг ҳар бири меҳнат қилган одам, ҳалол кун кечирган одам эртами-кечми қадр топишига ишонч ҳосил қилдилар. Шу даврада ўтирган одамлар ўз умрлари билан ҳамиша ёшларга ибрат бўлиб қолишаверади.

Раис ҳақ гапни айтди. Меҳнат қилган одам, шу юртга меҳр қўйган одам, даласию экинини ўз боласи қатори суйган одам ҳамиша ҳурмат-эътибор топаверади. Бўладиган гап шу!

**А.ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Дўстлик кўприги

*Сорбонна университети ректори — Тошкент Давлат шарқшунослик институти фахрий доктори*

Бундан икки йил муқаддам "Устоз" жамғармасининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С.Ғуломов бошчилигида Ўзбекистон олий ўқув юртлари ректорларининг Францияга ташрифи уюштирилган эди.

Делегация аъзолари Франция Республикаси таълим тизими билан яқиндан танишиб, Сорбонна ва бошқа университетлар олимлари билан учрашдилар ҳамда кадрлар тайёрлаш борасидаги француз ҳамкасбларининг тажрибаларини ўргандилар. Ўз навбатида уларга ўзбек халқининг ўзига хос анъаналари ҳамда менталитетини ҳисобга олган ҳолда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганини сўзлаб бердилар.

Буларнинг барчаси француз олимларида катта қизиқиш уйғотди. Улар ўзбек ҳамкасблари билан илмий ҳамкорлик шартномалари туздилар. Сорбонна университети ҳақида кўп гапирилган ва ёзилган. Шуни эслатиб ўтиш лозимки, унга 1200 йили қирол Людовик IX нинг руҳонийси Роберт Де Сорбонна томонидан асос солинган. 1970 йилгача ушбу машҳур коллеж Париж университетининг бир бўлаги бўлиб келган. Шу йили Франция ҳукумати уни университетга айлантирган ва Сорбонна деб атаган.

Гап шундаки, Ўзбекистон олий ўқув юртлари ўқитувчилари Франциянинг олий ўқув юртларида малака оширмоқдалар. Марказий Осиё тарихи, Мовароуннаҳр фақиҳларининг манбашунослик ва тарихшунослик соҳаларига қўшган ҳиссалари ҳақида маърузалар ўқимоқдалар.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти доценти Аширбек Мўминов ва бошқа ўзбекистонлик мутахассислар бу қадимги ўқув юртида нафақат малака оширдилар, балки уларнинг ўзлари ҳам бу ерда маърузалар ўқидилар, журналларда қатор мақолалар эълон қилдилар. Айни пайтда А.Мўминов Сорбонна университети олимлари билан ҳамкорликда "Ҳанафийлик ҳуқуқ мактаби ва унинг ҳуқуқий маданият ривожига таъсири" мавзусидаги тадқиқот ишини чоп этишга тайёрлади. Ўзбекистон илм-фан аҳллари учун Сорбонна университети кадрлар тайёрлаш мактаби ҳамдир. Ҳозирги кунда у жаҳоннинг энг йирик олий ўқув юртлари ҳисобланган Гарвард, Кембриж, Оксфорд каби илм даргоҳлари қаторида эътироф этилади. Зотан, у махсус диплом оладиган бакалавр, магистр ҳамда фан докторлари тайёрлайдиган кўп тармоқли ўқув юрти. Айниқса, Ўзбекистон олий ўқув мактаблари намояндалари учун Сорбонна университети ректорининг ўзбек юртига ташрифи ва суҳбатларда XXI асрда кадрлар тайёрлашнинг замонавий муаммоларини ҳал қилишда қўл келадиган ўзига хос жиҳатлари юзасидан мулоҳазалар алмашиши қувонарли бўлди.

Жаноб Жорж Молиньенинг ўзи ҳам Париж-Сорбонна университетининг "Француз тили услубиёти" мутахассислигини тамомлаган. Фан доктори Молинье Париж Олий ўқув юртлари ректорлари кенгашининг раиси ҳисобланади. Шубҳасиз, йирик олим ва таниқли олий таълим ташкилотчиси Жорж Молиньенинг Ўзбекистонга ташрифи Ўзбекистон ва Франция олимларининг ҳамкорлиги тарихида янги саҳифа очди. Сорбонна ректори Ўзбекистон Республикасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш фаолиятини юқори баҳолади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури нафақат назарий жиҳатдан чуқур ишлаб чиқилганлиги, балки ўз ўрнида амалий ва аниқ ишларда амалга оширилаётганига алоҳида эътибор берди. Сорбонна университети ректори Жорж Молиньенинг республикаларимиз ўртасидаги илмий ҳамкорлик ривожидаги хизматларини назарда тутиб, унга ТошДШУ фахрий доктори унвони берилди.

— Шубҳасиз, — деди миннатдорчилик билан Жорж Молинье, — ушбу ташриф нафақат мен учун, балки ҳаммамиз учун ёдда сақланиб қолади. Умид қиламанки, келажакда Франция ва Ўзбекистон олий мактаблари фан намояндалари ўртасида илмий ҳамкорлик алоқаларини худди шу интилиш билан ўрнатаверамиз.

**Ғани ҒАФУРОВ,**
**ТошДШИ «Маяк Востока» журнали бош муҳаррири ўринбосари.**

Луқма

# Тошотарлар

*Пойтахтдан чиққан автобус тун зулматини бузиб, шитоб билан манзил сари интилаяпти. Унда Мустақиллик майдонидаги катта байрам тантаналарида иштирок этган бадиий ҳаваскорлик дасталари вакиллари уйларига қайтишмоқда.*

Улар ўз иқтидорларини намойиш этганларидан сармаст: кимдир енгил хиргойи қилади. Биров ёнидаги тенгдоши билан ҳазиллашмоқчи. Баъзилар баҳс-мунозарадан чарчамайдиган кўринади. Кимдир ойнадан тун оғушидаги манзараларни кузатади. Йўл азобидан ҳориганлар аллақачон уйқуга кетганлар. Хуллас, автобус ўриндиқларида ёш ҳам, қари ҳам бор. Олдинда эса йўл патрули хизмати машинаси уларнинг эсон-омон манзилга етишини кўзлаб хавфсизликни таъминлаб бораяпти.

Кутилмаганда зулмат қўйнидан отилган тош автобуснинг ўнг томондаги ойнасини чил-чил синдирди. Бирдан қий-чув кўтарилди. Бешинчи қаторда ойнага қараганича ухлаб қолган ёшгина қиз бола додлаганича кўзини ушлади. Дир-дир титраётган лабларидан, юз-кўзларидан қон томчилай бошлади. Қўлларини юзига босганича, «Вой кўзим, кўзим», дерди, холос. Унинг ёнидаги аёл уйқули кўзлари билан атрофга алангларди. Хиёл ўтгач, ўзига келди, шекилли, бошидаги рўмолини олиб, қизнинг кўз-қошларига босди. Хайриятки, олдинда йўл патрул хизмати машинаси бор экан. Чиноз шаҳри атрофидаги «Тез тиббий ёрдам» марказига етказибди.

Ойна ўрнини ёпиш ҳайдовчиларга кўп муаммо туғдирди. Халта, сумка, латта-путталар билан тўсилди. Барибир ундан изиллаб ўтаётган совуқ шамол ҳаммани безовталантирарди. Аввалги қувноқликдан ном-нишон қолмагани-чи? Бу воқеа шу йилнинг 31 август куни Тошкент-Навоий йўналишидаги автобусда содир бўлди.

— Афсуски, бундай ва бундан баттар ҳодисалар катта йўлда тез-тез содир бўлиб туради, — дейди хуноби ошган ҳайдовчи, — Тошкентга қатновчи хусусий автобус ҳайдовчилари билан суҳбатлашиб кўринг-а. Бир пайтлар поездларнинг ойналарини синдириш одат тусини олган эди. Бундай нохуш ҳодисалар асосан Янгийўл, Пахта, Олмазор, Чиноз, Меҳнат бекатлари оралиғида юз берарди. Энди айни шу ҳудудларда автобусларнинг ойналари кўпроқ синдирилаяпти. Кечқурунлари панадан тош отиб қочувчилар кўпайиб қолган.

На илож, азалдан ёмоннинг бир қилиғи ортиқ-да. Автобус ойналари-ку топилар. Аммо отилаётган тош, ғишт ёки бетон парчалари айрим йўловчиларга оғир тан жароҳатлари етказаётгани-чи?

Шу ўринда бир савол туғилади: ўша тошотарларнинг ота-онаси, маҳалла-кўйи бор-ку. Қолаверса, милиция — таянч пунктлари-чи? Улар қаёққа қарашаяпти? Наҳотки, ҳеч нарсани билмасалар, сезмасалар? Шундай бўлиши мумкинми?

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Омад билимдонларга кулиб боқади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлат университетининг юридик факультетига қабул қилинибди. Ҳолбуки, оддий шофёрнинг қизи бўлган Дарихага ҳам ўтган йили омад кулиб боқмаган эди. Бунинг сабабини Дариха «тақдирдан» эмас, балки билимидаги камчиликдан излаб, тўғри қилди. Янада жиддий тайёрланди. Бу йил унинг қаршисида олий ўқув юрти эшиклари очилди. Ёки, мана, тошкентлик Садоқат Оқилхўжаева 181,0 балл тўплаб, Тошкент Педиатрия институтига қабул қилинибди. У — оддий ишчи оиласининг фарзанди.

Биз уларнинг ҳаётидаги бу янгиликларни қаердан билдик? Хатларидан! Уларнинг ўзлари ёки ота-оналари Давлат Тест марказига қувона-қувона йўллаган мактубларидан!..

Юқорида номлари тилга олинган қизлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан. Аммо уларнинг хатларида битта ҳақиқат қайта-қайта таъкидланади: улар — оддий оилаларнинг фарзандлари, олий ўқув юртларига эса улар фақат пухта билимлари сабаблигина қабул қилинган.

Биз ушбу масалага алоҳида урғу бераётганимизнинг айрим жиддий сабаблари бор. Бу сабаблардан бири шуки, ҳамон айрим ижтимоий тоифаларда тест синовининг адолат мезони эканлигига астойдил ишонч йўқ. Уларнинг фикрича, тест синови — омади усул, яъни айрим ёшлар ҳақиқий билим билан эмас, балки «тақдирнинг қудрати» билан ўқишга кирадилар. Улар таваккалига белгилаган тест саволларининг жавоблари ҳам тўғри чиқаверади, чунки омад уларнинг қўлини бошқаради...

Инсон омадига бундай фаталистик қараш, афсуски, бир қисм ижтимоий онгда яшаб келяпти. Лекин Давлат Тест марказига келаётган хатлар — улар ота-оналарданми ёки ўқишга қабул қилинган абитуриентларданми — бари-барчаси бундай қарашларни тубдан рад этади. Бу хатлар омад калити осмонда эмас, ерда — одамларнинг ўзида эканлигини якдил таъкидлайди. Бу — билим ва яна билимдир. Абитуриент «тақдирнинг қудрати» билан бир-иккита ёки, борингки, бир нечта саволларга тўғри жавобни топар, аммо тест синовида ўз олдига қўйилган 108 та саволнинг барчасига билим-малакасиз жавоб топиши қийин.

«Тест синовлари жуда тўғри ташкил қилинган, — дейди Аҳрор Саломов ўз хатида. У Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Бобур жамоа хўжалигидан. Бу йил олий ўқув юртига кирган Аҳрор ўз хатида яна давом этади: — Тест синови иқтидорли ёшларни танлаб олишда ягона йўлдир».

«Адолат тарозуси» деб ном олган тест синовларини жорий этганлиги учун Президентимизга каттадан-катта раҳматлар айтаман» — деб ёзибди Бухоро тиббиёт институти 1-курс талабаси Сухроб Ғуломов.

Сухробнинг фикрларида чуқур адолат бор. Дарҳақиқат, тест синови бундан 10 йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан педагогика амалиётига жорий этилган эди. Бу синов усули қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик, тамагирликка кенг йўл очиб берган эски имтиҳон усуллари ўрнига жорий этилиб, ҳозирги кунда ҳаётда ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг энг кафолатловчи усулларидан бири бўлиб қолди.

Гарчи шундай бўлса-да, айрим юртдошларимиз онгида, ўқишга қабул жараёнига нисбатан эски даврдан қолган ишончсизлик ҳамон сақланиб келаяпти. Уларнинг назарида, ҳатто тест синови даврида ҳам бу иллат гоҳида ўзини кўрсатиб туради.

Шу ўринда масалага кичик бир аниқлик киритиш ўринли бўлади. Тўғри, тест синови арафасида у ёки бу абитуриент тест жавобларининг «шпаргалка»сини қўлга киритибди, деган гаплар тарқалади. Лекин бунинг тест синови маркази ёки унинг ходимларига нима алоқаси бор? Бундай «шпаргалка»лар тест синовлари доирасидан ташқарида, жамоатчиликнинг ўз ичида — айрим ўқитувчилар ва «репититор»лар томонидан тайёрлаб тарқатилмоқда. Ҳатто, «Тест шпаргалкалари тайёр. Телефон...» деган эълонларга ҳам тез-тез кўзимиз тушиб туради. Бунинг устига, бу «шпаргалка»лар қанчадан-қанча абитуриентларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан «чув» тушираяпти. Чунки тест синовлари жараёнида тест саволлари — бошқа, бу «шпаргалка»лар — бошқа дунё эканлиги қайта-қайта аён бўлаяпти.

Баъзи юртдошларимиз эса ҳамон олий ўқув юртига киришда тамагирлик учраб туради, деган фикрда. Бунинг ҳам тест марказига тааллуқли жойи йўқ. Шундай фирибгар одамлар борки, улар айрим ота-оналар ёки абитуриентларнинг нодонлигидан фойдаланиб: «Ўқишга киришингга ёрдам бераман», деб пул сўрайди: Сўнг қўлини совуқ сувга урмай, эл қатори тест натижаларини бир четда пойлайди. Абитуриент ўзи тест саволларига муваффақиятли жавоб бериб ўқишга кирган бўлса, унинг ҳам «кўчасида байрам». Фирибгар йўқ ердан пайдо бўлиб: «тер тўкдик, югурдик-елдик, мана, ўғлингиз ёки қизингиз биз туфайли нозаниндай талаба бўлди», деб нодон ота-онага тамагирлик қилади.

Давлат Тест марказига келган хатлар эса бизга бошқа манзарани равшан кўрсатади. Далилларга мурожаат қилайлик.

«Мен тест синовларидан 198 балл олиб, талабалик бахтига сазовор бўлдим, — деб ёзибди Тошкентдаги С.Сирожиддинов номидаги 3-сон лицей-интернатнинг битирувчиси, урганчлик Х.Шарипова. — Тест синови жорий этилмаганида мен бу бахтга етишмаган бўлардим. Чунки тест синовидан аввалги усулда қанча билимли ўқувчилар ўз мақсадига эриша олмаган.

Ҳозирги кунда ҳам айрим одамлар ўқишга киришни пул билан ҳал қилишга ҳаракат қилишмоқда, — деб ёзади бу талаба қиз. — Улар кимлар? Биринчи навбатда, бундай одамларнинг фарзандлари билими паст даражада, ўқишга тайёргарлик бўш. Шу сабабли, бундай ота-оналар айланма йўлларни излайдилар ва албатта, омадсизликка учрайдилар. Чунки тест синови билимдан бошқасини тан олмайди».

Мана, яна бир мактуб: «Жуда қаттиқ тайёргарлик кўришимга қарамасдан, тўғриси, ўқишга киришимга унчалик ишонмагандим, — деб ёзади I-ТошМИнинг Урганч филиали 1-курс талабаси бўлган Мадиёр Бобожонов. — Чунки айрим одамлар илгариги, совет тузумидаги гапларни айтишиб, ўқишга пулинг бўлса кирасан, дейишганди. Бари бекор гап экан. Шунга амин бўлдимки, тест — ҳақиқатан ҳам — адолат мезони экан. Мен оддий, кам таъминланган оила фарзандиман. Лекин ўқишга кирдим. Бировга пул берганим йўқ. Фақат ўз билимим билан 179,20 балл олиб рўйхатда бешинчи ўринда, ўқишга кирдим. Мен ва курсдошларим Мустақиллик жорий этган тест туфайли талаба бўлдик».

Гоҳида тест синовидан бошқача бир йўсиндаги нолишлар ҳам қулоққа чалиниб туради. Бундай нолишларга кўра, гўё қишлоқлардан келаётган ўқувчилар олий ўқув юртига кириши қийинлашиб қолган эмиш. Бундай қарашларни ҳам ҳаёт рад этди. Масалан, Давлат Тест марказининг маълумотларига қараганда, бу йил олий ўқув юртларига қабул қилинган абитуриентларнинг 71 фоизидан ортиғи қишлоқ болаларидир.

«Қизимиз Садоқат 155 балл тўплаб Урганч Давлат университетининг математика факультетига ўқишга кирди, — деб ёзади Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги Наврўз қишлоғи фуқаролари бўлган ота-оналар Дармон Собирова ва Отабой Бекметовлар. Улар ўз хатларининг давомида шундай ёзадилар: — Кичкинагина, чеккадаги бизнинг қишлоқдан шу йилнинг ўзида Урганч ва Тошкентдаги олий ўқув юртларига 10 нафар бола ўқишга кирди».

Демак, бу қишлоқда муҳит яхши, илм-маърифатга қизиқиш ва эҳтиром кучли. Бундай жойда ҳар хил «миш-миш»ларга ўрин бўлмаслиги ҳам табиий.

Шу ўринда юқоридаги фикрларни тасдиқловчи яна битта хатдан айрим сатрларни келтиришни ўринли, деб биламиз. «Отам электр тармоқлари корхонасида муҳандис, онам уй бекаси, — деб ёзади I-ТошМИнинг Урганч филиали 1-курс талабаси М.Ҳожиева. — Мактабда, академик лицейда тестга тайёргарликларим эвазига тестдан 171,20 балл олдим. Бу менинг ҳаётимдаги энг катта муваффақият. Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовга шахсан ўзим ва оила аъзоларим номидан миннатдорчилик билдираман. Менинг муваффақиятим асосан тест усулида олий ўқув юртига имтиҳон топшириш туфайлидир».

I-ТошМИ Урганч филиали талабаси Б.Тулебекованинг йўллаган хати бошқа бир нуқтаи назардан диққатга сазовордир. Бу қиз ёзади: «Биз қозоқ миллатига мансубмиз. Ўзбекистонда турли миллатлар учун барча шароитлар мавжуд. Бунинг учун, авваламбор, Президентимиздан жуда миннатдормиз. Мен ва синглим тест синовидан ўтиб, ўқишга кирдик. Мен 174,10 ва синглим 185,10 балл олдик. Тест жуда адолатли ўтди. Бир оиладан икки кишининг бирданига ўқишга кириши оиламиз учун жуда катта бахт. Мен Ўзбекистон фуқароси эканлигимдан фахрланаман».

Умуман, тест синовининг ижтимоий адолатли тадбир эканлигини ҳис қилиб, Давлат Тест марказига кўпгина вилоятлардан хатлар йўллашган. Мана, жумладан, Андижон вилоятидан Нуриддин Тоҳиров шундай ёзади: «Мен Андижон Давлат университетига иқтисодиёт йўналиши бўйича ўқишга қабул қилиндим. Тест усулида синов ўтказилиб, адолатли иш юритилаётганлигига ишонч ҳосил қилдим. Ўзбекистонимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар биз, ёш авлоднинг Ватанга бўлган муҳаббатимизни янада оширмоқда».

Фарғона вилоятининг Данғара тумани марказидаги Р.Хўжаева кўчасида яшовчи Ж.Эргашева ёзади:

«Фарзандимиз Қўқон педагогика институтига ўқишга кирди. Биз ота-оналар ниҳоятда хурсандмиз. Тест маркази ва ходимларига олий ўқув юртига адолатли қабулни таъминлаганликлари учун миннатдорчилик билдирамиз».

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги Мустақиллик кўчаси, 24-хонадонда яшовчи С.Матёқубов ўз хатида академик лицей, касб-ҳунар коллежлари каби янги таълим муассасалари ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлигини мамнуният билан таъкидлайди.

«Бизнинг ёш пайтимизда академик лицей, коллеж деганлари тушимизга ҳам кирмаган, — дейди ҳурматли ота. — Мустақиллик шарофати билан яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, фарзандларимиз — Ал-Хоразмий, Ал-Беруний авлодлари Ўзбекистонимизнинг куч-қудратини, халқаро обрўсини оширадиган комил инсонлар бўлиб етишмоқдалар».

Бу фикрда катта ҳақиқат бор. Буни яна шу ҳолат тасдиқлайдики, Давлат Тест марказининг таҳририятимизга юборган маълумотларига кўра, бу йилги олий ўқув юртларига қабулда энг юқори натижаларни ана шундай янги таълим муассасалари ўқувчилари кўрсатибди. Улар камида 190, 200 балл олиб олий ўқув юртларига кирибдилар.

Давлат Тест марказида биз танишган хатлар таҳлилини қандай хулосалаш мумкин? Ўйлаймизки, Бухоро вилояти Вобкент туманидан келиб, Бухоро Давлат университети талабаси бўлган Дилноза Обидованинг хатидаги қуйидаги сўзлар, умуман, бу йил олий ўқув юртларига қабул қилинган абитуриент ёшларнинг фикрини ўзида тўла ифодалайди:

«Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» деган ажойиб сўзлари биз, ёшларнинг қалбимизга ғурур бағишлайди. Биз, ёшлар ҳам Президентимизнинг бундай юксак ишончини астойдил оқлашимиз шарт. Чунки мамлакатимиз келажаги — ёшлар қўлида. Келажакда ўз соҳамизнинг етук мутахассислари бўлиб, давлатимизнинг ривожига, гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни, албатта, қўшамиз деб Ватанимизни, халқимизни, Президентимизни ишонтирамиз. Тест синовларидан бошланган адолат ҳаётимизнинг қоидаси бўлиб қолади».

Бу қалб сўзларига ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ, назаримизда.

**Михли САФАРОВ.**

## Арофат қуршовда



**Исроил армияси Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Хеврон шаҳридан ташқари барча шаҳарларни эгаллаган ва уларда комендант соати эълон қилинган.**

**Операциялар давомида танклар Арофатнинг қароргоҳини қуршаб олган, у ерга кириш ва чиқиш йўлларини бутунлай ёпиб ташлаган.**

**"НТВ.ру"нинг хабарига кўра, Исроил армияси Арофат гвардиясига қарашли 11 та бинони бузиб ташлади. Содир бўлган отишмалар оқибатида бир фаластинлик ҳаётдан кўз юмди ва икки нафари жароҳатланди.**

## Суиқасд фош этилди

**Покистон махсус хизматининг вакиллари мамлакат президенти Парвез Мушаррафга нисбатан уюштирилаётган суиқасдни фош этишга муваффақ бўлишди.**

**АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Ричард Армитиж ана шу ҳақда маълум қилган. Унинг айтишича, Покистон етакчисига суиқасд шу ҳафтага режалаштирилган эди.**

**"The Washington Post" газетасининг тарқатган хабарига кўра, Карачида генерал Мушаррафга суиқасд уюштирганликда гумон қилинаётган 6 киши қўлга олинган. Улардан кўплаб қурол-аслаҳа тортиб олинган.**

## Овқат — кайфият мезони



**Кайфияти тез ўзгарувчан кишилар ўз аҳволини бирмунча яхшилаши мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, бунинг учун улар овқат рационини ўзгартиришлари керак, холос. Ўшанда уларга ҳар хил тинчлантирувчи дорилар керак бўлмайди.**

**"Food and Mood" "Mind" хайрия ташкилоти кўмагида ўтказилган сўровномалар натижаларига кўра, унда иштирок этганларнинг 80 фоизи овқат рационини ўзгартирганидан сўнг ўзини янада яхши ҳис қила бошлашганини таъкидлашган, 25 фоизи эса уларда кайфиятнинг тез ўзгариш, депрессия ҳолатлари ва хавотирланиш йўқолганлигини айтишган.**

**"Daily Teleqraf" нашриётининг маълум қилишича, шакар ва қаҳва истеъмол қилишни камайтирган ва кўпроқ тоза сув ичиш ҳамда сабзавот маҳсулотларини тановул қилишни бошлаганларда, айниқса, ижобий натижалар кузатилган.**

**"Mind" ташкилоти раҳбари Ричард Брукнинг айтишича, кайфият ва овқат рационининг муштараклиги кишиларнинг ўз руҳий ҳолатини янада яхши назорат қилиши ҳамда ўз кучи билан ҳаётда муваффақиятга эришишида муҳим омил бўлиши мумкин.**

## Озон қатлами тикланади...ми?

**Антарктида устидаги Озон қатламидаги тешик тез орада кичрая бошлайди ва 2050 йилга бориб умуман йўқолиши мумкин.**

**Австралия олимлари, сўнгги тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда, озон қатламини емирувчи хлор атмосферада камайиб бораётганлигини таъкидлашмоқда. Буни Ер юзида экологияни яхшилаш борасида 1987 йилда музлатгич ва кондиционерларда хлороуглеродларни маън қилинганидан сўнгги ижобий натижа, деб баҳолаш мумкин.**



**"Independent" газетасининг маълумотига кўра, атмосфера тадқиқотлари бўйича "Commonwealth Screntefic and Industrial Rescarch Organization" ташкилоти бош мутахассиси Пол Фрейер "Бу яхши янгилик. Биз уни кутган эдик. Бизнинг фикримизча, бу ҳолат орқага қайтмайди. Бу жуда муҳим", деб таъкидлаган.**

**Унинг айтишича, тақиқлангунча хлорнинг атмосферага тарқалиши ўсиб борди ва 2000 йилга келиб энг юқори чўққисига чиқди.**

**"Бу эски автомобиль кондиционерлари ва музлатгичларда хлоридлардан фойдаланиш оқибатида содир бўлди", дейди Фрейер. У озон қатламидаги тешик асрнинг ўрталарида умуман йўқолишини қайд этган.**

**Ер юзини куёшдан таралаётган ультрафиолет нурларидан ҳимоя қилувчи озон қатламидаги тешик қарийб 30 йил аввал пайдо бўлган эди. Ўша пайтда унинг кенглиги Австралияга тенг эди.**

**1987 йил Монреаль протоколига биноан ривожланаётган давлатлар хлорфторуглеродни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишни 2005 йилгача 50 фоизга, 2007 йилгача эса 85 фоизга камайтириш мажбуриятини олишган эди.**

## Ироқ ҳамкорликка тайёр

**Қуролсизлантириш бўйича Халқаро нозирларнинг илк гуруҳи Ироққа шу йилнинг 15 октябригача келиши мумкин.**



**БМТнинг Кузатув, назорат ва инспекция бўйича комиссиясининг ижрочи раиси Ханс Бликс ишончли манбаларга таянган ҳолда ташкилотнинг Хавфсизлик Кенгашига ана шу ҳақда маълум қилган. Аммо комиссия раҳбари шахсан ушбу санани тасдиқламаган. Унинг айтишича, келгуси ойнинг бошида Ироқ вакиллари билан Венада ўтказиладиган музокаралар экспертлар Ироққа қачон йўл олиши келишиб олинади.**

**"Интерфакс" агентлигининг хабар қилишича, Ироқнинг Россиядаги элчиси Аббос Холоф мамлакат ҳукумати БМТ ва МАГАТЭ вакилларини қизиқтирган барча объектларга киритишга тайёр эканлигини билдирган.**

## Давлат тўнтариши бостирилди

**Кот-д Ивуар президенти Лоран Гбагбо юртида давлат тўнтариши қилишга уринишлар содир этилганлиги туфайли мамлакатга қайтди. Гбагбо Италияда расмий ташриф буюриб турган эди.**

**"Рейтер" агентлигининг хабарига кўра, истеъфога чиқиш ҳақидаги фармойишдан норози бўлган ҳарбийлар исён кўтаришган. Лекин ғалаён ҳукумат қўшинлари томонидан бостирилган. Обижонда бўлиб ўтган тўқнашувлар оқибатида 80 киши ҳалок бўлган (улар ичида мамлакатнинг собиқ диктатори Робер Гуэй ҳам бор), 150 киши эса жароҳатланган.**

## Жанубдан Шимолга...

**Жанубий Корея мамлакатдаги ортиқча ёнилғини Шимолий Кореяга беради. Сеулда чоп этиладиган "Chosun Ilbo" газетаси Жанубий Корея Энергетика вазирлигидан олинган маълумот асосида ана шундай хабар тарқатган.**

**Нефть, дизель ёнилғиси, керосин ва бензинни қўшни давлатга юбориш жадвали бирлашиш бўйича вазирлик билан маслаҳатлашилгач, белгилаб чиқилади.**

«Интернет» хабарлари асосида **Салим ДОНИЁРОВ** тайёрлади.

# «ЭЛ-ЭРК-НУР» ШАРОФАТИ

*Дўстлик туманидаги "Эл-Эрк-Нур" ёғ ишлаб чиқариш заводини ҳақли равишда истиқлол корхонаси дейиш мумкин. Чунки шўро тузуми даврида кимнингдир шундай йирик корхонаси бўлишини унинг соҳиби Суннат Эргашевнинг ўзи ҳам ўйламаган бўлса керак. Бироқ мустақиллик шарофати билан юртимизда бундай корхоналар кўплаб барпо этилаётгани энди ҳеч кимни ҳайратга солмай қўйди.*

Давлатимиз тадбиркорларни қўллаб-қувватлаётгани, инсоннинг мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилаётгани туфайли минглаб одамлар ўз ишбилармонликларини, иқтидорларини намойиш этиш имкониятига эга бўлдилар. Халқ хўжалиги мутахассиси бўлган иқтисод фанлари номзоди С.Эргашев ҳам шундай орзуси ушалган кишилардан бири.

Албатта, тадбиркорнинг "Эл-Эрк-Нур" заводини қуриб ишга тушириши осон бўлмади. Бироқ ҳозир унинг бу йўлдаги қийинчиликларни қандай енганию сабот ва қатъияти ҳақида эмас, корхонанинг чўлқуварларга қандай наф келтираётгани тўғрисида гапириш ўринли. Агар шу корхона бўлмаганида Жиззах вилоятининг чўл ҳудудидаги Дўстлик, Мирзачўл, Арнасой, Зафаробод туманлари деҳқонлари давлатга сотган пахталарининг ёғини, кунжарасини, шелухасини олиш учун узоқ йўл босиб, Жиззах, Гулистон, Янгийўл шаҳарларидаги қайта ишлаш корхоналарига қатнашга мажбур эди.

Бундан уч йил аввал Осиё тараққиёт банкидан 660 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб иш бошлаган корхона бугунги кунда дадил фаолият кўрсатмоқда. Корхона жамоаси бултур 700 тонна тоза мой ишлаб чиқарган бўлса, жорий йилнинг ўтган давридаёқ шунча маҳсулот чиқаргани унинг қуввати тобора ортиб бораётганини кўрсатиб турибди. Бунга шу ерда ишлаб чиқарилган 4 минг тоннадан зиёд кунжара, 5 минг тоннага яқин шелухани қўшиб ҳисобласак, корхонанинг қанча чигитни чиқитга чиқармай эгаларига ва қўшни вилоят аҳолисига етказиб бераётганини тасаввур этиш қийин эмас.

Албатта, хусусий корхона эгаси биринчи навбатда ўзининг шахсий манфаатидан келиб чиқиб ишлайди. Бироқ иқтисодчи олим сифатида С.Эргашев ҳаётнинг яна бир муҳим қонуниятини ҳам назоратдан қочирмайди: инсон ўзининг шахсий манфаати учун қанчалик кўп ҳалол ҳаракат қилса, у жамиятга ҳам шунча кўп фойда келтиради. Бу ерда ҳам шундай. Корхонанинг одамларга келтираётган нафини ўйлаганда, беихтиёр Президентимиз Ислом Каримовнинг қишлоққа саноатни кўпроқ жалб қилишни мунтазам таъкидлаб келаётгани бежиз эмаслигига яна бир карра амин бўласиз. Юртбошимизнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида: "Кишиларнинг онгини, ҳаёт тарзини шакллантирадиган ижтимоий муносабатлар бутунлай янгича маъно-мазмун касб этмоқда. Мулкдор ва тадбиркорларнинг кичик ва ўрта бизнес эгаларининг нуфузи ва таъсири кун сайин ортиб бормоқда", деган фикрлари ана шу корхонада ҳам ўз аксини топаётгани кўриниб турибди.

Қишлоқ тадбиркори тежалган маблағи ҳисобига ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш билан бирга корхонани янада кенгайтириш йўлларини ҳам излаяпти. Ҳозир бу ерда совун, олиф ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Яқинда ёғни замонавий қадоқлаш цехини ишга туширмоқчи.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ, (ЎзА).**

# «АНОР» ДУНЁ КЕЗАДИ

*Қува туманидаги "Анор" ашула ва рақс халқ дастаси Хитой Халқ Республикасига жўнаб кетди.*

Ижодий жамоа ўтган йили ўтказилган республика халқ ижодиёти кўрик-танловида олий ўринни қўлга киритган эди. Шунга кўра, жамоа Пекин шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро фестивалда иштирок этиб, ўзбек миллий рақс ва қўшиқчилик санъати дурдоналарини бир ҳафта давомида намойиш этиш ҳуқуқига эга бўлди.

"Анор" ашула ва рақс халқ дастаси хориж сафарига пухта тайёргарлик кўрди. Қувалик санъаткорлар халқаро фестивалда ўзбек миллий куй-қўшиқ ҳамда рақслари билан бирга Шарқ ва Европа халқлари санъатидан ҳам намуналар ижро этади.

— Жамоамиз дунёнинг кўплаб давлатларида бўлиб, миллий санъатимизни намойиш этиб келмоқда, — дейди бадиий раҳбар Мухторжон Тешабоев. — Ҳозирга қадар Болгария, Туркия, Бельгия, Голландия, Афғонистон, Миср Араб Республикаси, Белорусь, Россия мамлакатлари бўйлаб ижодий сафарларда бўлдик. Халқимизнинг миллий ашула ва рақс санъати дурдоналарини дунёга танитишга ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз.

**Р. КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.**

НА ЛЮБОЙ ВКУС 5 ЛУЧШИХ СОРТОВ ИЗ ВЕНГРИИ
РАСФАСОВКА В КОРОБКАХ ПО 1 КГ.
ГАЗОННАЯ ТРАВА
РАСХОД 35 - 40 КВ.М.
ПО ЦЕНЕ 7,5 ТЫС. СУМ. ЗА 1 КГ.
т.: 137-13-43, 127-99-62, 180-35-05

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
2002 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади.
АСПИРАНТУРАГА:
- тўқимачилик хомашёсини дастлабки ишлаш;
- тўқимачилик материаллари технологияси;
- кимёвий толалар технологияси;
- енгил саноат машиналари ва агрегатлари;
- машинашунослик ва машина қисмлари;
- менежмент;
- юқори молекуляр бирикмалар кимёси.
ДОКТОРАНТУРАГА:
- тўқимачилик хомашёсини дастлабки ишлаш.
Мурожаат учун манзилимиз: 700100, Тошкент шаҳри, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, ТТЕСИ, аспирантура бўлими.
Ҳужжатлар 2002 йил 15 октябргача қабул қилинади.
Телефон: 53-66-34.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ (СамДУ) ВА БОЛОНЬЯ (ИТАЛИЯ) УНИВЕРСИТЕТИ
СамДУ қошида ҳамкорликда ташкил этилган магистратурага 2002/2003 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
- археология;
- музейшунослик, консервация ва бадиий бойликларни сақлаш;
- тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари.
Танловда қатнашувчилар қуйидаги фанлардан кириш синовларини топширадилар:
- демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари;
- мутахассислик фани;
- инглиз тили.
Талабалик сафига қабул қилинганлар 2 йилу 6 ойлик ўқиш даврининг охирги олти ойида Болонья университетида таҳсил оладилар. Магистратурани тугатганларга Болонья ва Самарқанд давлат университетларининг дипломлари берилади.
Ҳужжатлар 2002 йил 1 октябргача қабул қилинади.
Магистратурага кирувчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:
- ариза;
- олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси;
- 3х4 ҳажмдаги 8 дона фотосурат;
- 086 шаклдаги тиббий маълумотнома;
- паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.
Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, 9 қаватли бинонинг 801-хонаси (Магистратура маркази).
Телефонлар: 33-34-87, 31-05-25.



— Бўрибосарим....

Абдуғани ЖУМА сурат-лавҳаси.

# ПУСАН МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

***Жорий йилда Япония билан ҳамкорликда футбол бўйича жаҳон чемпионатига мезбонлик қилган Жанубий Корея шу кунларда яна бир катта спорт байрамини ўтказиш тадоригини кўрмоқда. 29 сентябрдан 14 октябрга қадар бу мамлакатнинг Пусан шаҳрида XIV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Қитъанинг қирқдан ортиқ мамлакатидан 11 мингдан зиёд спортчи 38 спорт тури бўйича беллашади.***

Спорт — тинчлик элчиси, дейишади. Шу маънода, Пусандаги ўйинлар ҳам тинчликни мустаҳкамлаш, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшади. Осиё халқлари, яъни уч ярим миллиарддан зиёд аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат ва эҳтиром туйғусини кучайтиришга кўмаклашади. Бу галги мусобақалар бирдамлик ва умид ўйинлари, деб аталаётгани ҳам бежиз эмас.

Осиё ўйинлари тарихидаги энг йирик мусобақа бўлиши кутилаётган бу йилги беллашувлар Пусан ва унинг атрофидаги шаҳарларда жойлашган 43 та спорт майдонида бўлиб ўтади. Мусобақаларнинг бош ўйингоҳи — Main Stadium 80 минг томошабинга мўлжалланган бўлиб, 2001 йилда очилган. Ёдингизда бўлса, футбол бўйича жаҳон чемпионати пайтида унда бир неча терма жамоа ўйнаган эди. Бу стадионда Осиё ўйинларининг очилиш ва ёпилиш маросими, шунингдек, енгил атлетика ҳамда футбол баҳслари ўтказилади.

Жанубий Кореядаги энг йирик порт шаҳар — Пусан ҳар томонлама диққатга сазовор маскан ҳисобланади. У мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, Пусан нафақат Жанубий Корея, балки Осиёдаги йирик сайёҳлик марказларидан бири ҳамдир. Унинг замонавий дам олиш масканлари билан бир қаторда улуғвор қасрлари, кўҳна ибодатхоналари ва бошқа эътиборли жойлари бутун дунё сайёҳларида катта қизиқиш уйғотади. Шунингдек, мунтазам равишда ўтказиб келинадиган кино фестиваллари бу шаҳарни Жанубий Кореянинг кино марказига айлантирган.

Жанубий кореяликлар Осиё ўйинларини юқори савияда ўтказиш борасида анчагина меҳнат қилмоқда. Айниқса, мулоқотни қулайлаштириш учун мусобақаларда волонтёрлар — кўнгилли хизматчилар ёрдамидан фойдаланиш режалаштирилган. Ташкилотчиларнинг айтишича, Пусандаги беллашувлар чоғида мамлакатга ташриф буюрган спортчилар, сайёҳлар, томошабинлар, оммавий ахборот воситалари вакилларига иложи борича кўпроқ қулайликлар яратиш, сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 22 минг кўнгилли ёлланиши кутилмоқда. Улар меҳмонларга ҳар соҳада кўмаклашишдан ташқари, таржимонлик ҳам қилади.

Осиёда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар қитъа ўйинларига бўлган эътиборни ҳам кучайтирмоқда. Маълумотларга қараганда, бу йирик спорт байрамини ёритиш учун Жанубий Кореяга етти мингдан ортиқ журналист келиши кутилмоқда.

Ўзбекистонлик спортчилар Осиё ўйинларида 1994 йилдан буён қатнашиб келмоқда. Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтган XII қитъа ўйинларида вакилларимиз ажойиб натижаларни қўлга киритган.

Айниқса, футбол бўйича терма жамоамизнинг олтин медалга сазовор бўлиши ҳали-ҳануз ширин хотира сифатида ёдга олинади. Ўшанда Миржалол Қосимов, Игорь Шквирин, Юрий Шейкин, Азамат Абдураимов, Фарҳод Магомедов каби моҳир чарм тўп усталари Саудия Арабистони, Жанубий Корея ва Хитой сингари қитъамизнинг энг кучли терма жамоаларини мағлуб этганди.

Умуман, ўзбекистонликлар Япониядан 10 олтин, 12 кумуш ва 20 бронза медаль билан қайтган. Ўзбекистон Осиё ўйинларида биринчи марта қатнашганига қарамай, қирқ икки мамлакат вакиллари ўртасида умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллаган.

1998 йили Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтказилган XIII Осиё ўйинларида юртдошларимиз 21 спорт тури бўйича қатнашди. Бу гал ҳам натижа ёмон бўлмади. Улар Ватанимизга олтита олтин, йигирма иккита кумуш ва ўн иккита бронза медаль билан қайтди. Мусобақаларда юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилган 10 нафар боксчидан тўққизтаси совринли ўринларни эгаллаб, Осиёда ўзбек бокс мактаби етакчи эканини яна бир карра исботлади. Боксчилар терма жамоамиз ғазнасига учта олтин, тўртта кумуш ва иккита бронза медали келтирди.

Пусан шаҳрида ўтадиган XIV Осиё ўйинларида юртдошларимиздан 165 спортчи йигирма учта спорт тури бўйича иштирок этади. Айниқса, бокс, каратэ, дзюдо, теннис, стол тенниси, енгил атлетика, оғир атлетика, таэквондо, эшкак эшиш, юнон-рум кураши ва эркин кураш ҳамда сузиш беллашувларида қатнашадиган спортчиларимиздан умид катта.

Шубҳасиз, Пусандаги Осиё ўйинларида Ўзбекистон аҳли алоҳида эътиборда бўлади. Чунки XIV Осиё ўйинларининг машъаласи Чотқол тоғ тизмаси бағридаги сўлим гўша — Паркент туманининг баланд тепаликларида жойлашган "Физика — Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида офтоб нурларидан ёндирилиб, мезбон шаҳар томон йўл олди.

Таъкидлаш жоизки, жаҳонда Паркентдаги каби ноёб иншоот бор-йўғи иккита. Уларнинг бири Франция жанубидаги Пириней тоғларида жойлашган бўлса, иккинчиси мамлакатимизда. Франциядаги иншоотда мутахассислар қуёш нурлари хусусиятини фақат кундузи ўрганса, Паркентда замонавий оптик қурилмалар ёрдамида тунда ҳам илмий тадқиқотларни давом эттириш мумкин. Ана шундай ноёб қурилмалар ёрдамида серқуёш ўлкамиз офтобининг заррин нурларини ўзига сингдирган машъала Пусанда спортчиларимизнинг юксак ғалабаларга бошловчи йўлини кенг ёритади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 777,
27606 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.00.*
1 2 3 4 5 6

Маънавият сабоқлари

# Бировнинг ҳақи

***Уч-тўрт киши сафардан қайтаётгандик. Бухоро ва Самарқанддаги муқаддас жойларда, хусусан, Имом Бухорий зиёратгоҳида бўлиб, руҳан кувватланиб келаяпмиз.***

***Жиззахга яқинлашиб қолганимизда, йўлнинг икки бетида кўзни қамаштириб, чиройли қилиб териб қўйилган сархил мевалар эътиборимизни тортди. Уйга беш-олти кило мева олиб кетмоқчи бўлдик.***

Мевалар товланиб турибди, чиндан ҳам кўзни қамаштиради. Куз ҳавосидан симириб болга ботган меваларнинг кўринишию мазаси бошқача бўлади.

— Синглим, мана шу бир уюм олмангизни тортинг, — дедим мен ўрта ёшлардаги бир аёлга.

У қўл тарозида тортди.

— Амаки, роппа-роса саккиз кило экан, — деди у.

Айтган пулини тўладим.

Бошқа шерикларим ҳам нок, узум, шафтоли, олма харид қилишди. Йўловчи машиналар тинимсиз тўхтаб ўтар, йўл ёқасидаги аёлларнинг эса қўли-қўлига тегмасди. Биз машинага ўтириб жўнадик. Бироқ учтўрт чақирим юрмасдан бир шеригимиз: «Биродарлар, бояги аёллар ҳаммамизни алдади, биз эътибор бермадик», деб қолди.

Ҳақиқатан ҳам, тўрхалта чамага қараганда анча енгил эди. Йўл ёқасида тўхтаб, бир қассоб йигитнинг тарозисида меваларимизни тортиб кўрдик. Мен 8 кило деб олган олма 4 кило-ю 200 грамм чиқди. Олти килога пул тўлаган ҳамроҳимнинг шафтолиси 3 кило-ю 100 грамм бўлди. Биласиз, нокнинг нархи қимматроқ. Беш килога ҳақ тўлаган одамнинг ноки 2 кило 800 граммдан ошмади. Шунча узум олган шеригимиз тенг ярмига куйиб қолди. Ҳайдовчи етти ярим килога пул тўлаган эди. Унинг олмаси салкам тўрт кило чиқди. Тавба, дедик ажабланиб, ўғри, ноинсоф, бировнинг ҳақидан қўрқмайдиган одамларни кўрганмиз, лекин бунақа сурбетларга ҳеч қачон дуч келмаганмиз. Тарозидан граммлаб уриб қоладиганлар ҳақида эшитганмиз, бироқ килограммлаб ўмариб қоладиганлар ҳақида эшитмаганмиз. Савдо-сотиқдаги товламачиларни олазарак кўзларидан, ноўрин хатти-ҳаракатларидан гумон қилганмиз, бироқ қишлоқнинг оддий аёлларини ҳеч вақт товламачиликда гумон қилмаганмиз.

Айтиб кўрайлик, эҳтимол таъсирланиб бу йўлдан қайтишар, инсофга келиб қолишар, деган ниятда орқага қайтдик. Машинамиз яна «Бахмалсой» деб ёзилган темир тахтача тўғрисида ўтирган аёллар олдига келиб тўхтади. Машинадан тушишимиз билан улар бизни танишди ва дарҳол вазиятни англаб ерга қараб безрайиб ўтираверишди. Эҳтимол, улар бир кунда бир неча марта шундай ҳолатга тушишса керак. Чунки алданганларнинг ҳаммаси ҳам индамай кетавермаслиги аниқ. Афтидан, булар ўрганиб, бетлари қалин бўлиб қолган кўринади. Бироқ шошганидан ёки «топганинг буюрмасин» деб ичида қарғаб, орқага қайтишни эп кўрмайдиганлар ҳам оз бўлмаса керак. Бундайларнинг ҳар биттаси улар учун текин ўлжадай гап.

— Бировларнинг ҳақидан қўрқмайсизларми? — сўрадик мева сотувчи аёллардан.

Улар индашмади. Яна савол бердик:

— Қишлоқ домласи ёки қишлоқ оқсоқоллари тарозидан уриб қолиш катта гуноҳ эканлигини тушунтиришмаганми?

Улар миқ этмай ерга қараб ўтираверишди.

— Сингилларим, тушунинглар ахир, бола-чақани эгри қўл билан топилган ҳаром пул ҳисобига боқиб бўлмайди, — дедим уларга.

Мен олма сотиб олган аёлдан нидо чиқди:

— Ҳозир анча-мунчалар шундай қилишаяпти!..

— Ўшаларга эргашасизми, синглим, яхшилар кўпку, ҳалол бўлсангиз, барака ёғилади, билиб қўйинг, бировнинг ҳақи буюрмайди.

Шундай дедим-у, бироқ аёлнинг гапи мени ўйлантириб қўйди. Ҳамма бўлмаса ҳам ҳар ҳолда бозорларда тарозидан уриб қолувчилар кўпайиб қолгани рост гап. Бундай аҳволни нафақат Бахмалсойга ўхшаган қишлоқлар ёки туман марказларида, балки Тошкент бозорларида ҳам кузатиш мумкин. Ишонмасангиз, бозор қилинг-да, олган нарсаларингизни уйга келиб тортиб кўринг, кам чиқиши аниқ. Уйда тортиб кўринг, дейишимизга сабаб шуки, бозор тарозилари бир хил мослаштирилади ёки эгри қўллар бир-бирларига хиёнат қилишмайди. Ҳамма жойда бу «қонун»га қатъий амал қилинишини ҳатто Бахмалсойдаги кичик бозорча ҳам кўрсатди. Биз ҳар биримиз сотиб олган мева миқдорини тарозидан уриб қолинган мева миқдорига солиштириб кўрганимизда, бозорчадаги тарозилар бир хил мослаштирилганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Халқда бировнинг ҳақи ош бўлмайди, деган нақл бор. Ҳалолликка нима етсин. Имом Бухорийнинг «Ал-Жомиъ Ас-саҳиҳ» ҳадислар тўпламида «Савдо-сотиқ китоби» бўлими бор. (Тўғри) ўлчашнинг фазилати ҳақидаги бобда шундай дейилади: «Миқдом ибн Маъдикариба разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Озиқ-овқатларингизни (тўғри) ўлчангизлар, (Оллоҳ таоло) сизга барака ато этур!» — дедилар. Бироқ биз ношукур бандалар баъзан нафсимизни тиёлмай, баракани ўзимиздан қочирамиз ва ўз айбимиз билан ўз ризқимизни, фарзандларимиз ризқини қирқамиз. Айниқса, тарозидан уриб қолиш катта гуноҳ эканлигини билатуриб, қўрқмасдан шу ишга қўл урамиз.

Хўш, нега имом-хатиблар, оқсоқоллар, маҳалла фаоллари ҳаром билан ҳалолни фарқлай олмай қолган фуқаролар ўртасида етарли даражада тушунтириш ишлари олиб боришмаяпти?! Хўш, нега назорат идоралари ходимлари бундай қўли эгриликларни кўра-била туриб ўзларини кўрмасликка олишаяпти?! Тўғри, эгри қўллар чопилган, нафсини тиёлмаганлар қамалган замонлар ўтиб кетди. Наҳотки, миллий маънавиятимиз ва қадриятларимиз қарор топаётган бугунги кунда юлғичлар учун йўл очиб берсак?! Бундай иллатнинг илдиз отишига нега одамлар бефарқ бўлиб бормоқда? Назаримда, бу саволларга жавоб излашнинг вақти келди. Бошқанинг ҳисобига бировнинг яхши яшашга интилиши — бу шарқона маънавиятга, диний эътиқодга ва миллий қадриятга хиёнатдан бошқа нарса эмас. Ҳалоллик, поклик ва покизаликкина хонадонимизга қут-барака, юртимизга тўкин-сочинлик, ҳаётимизга фаровонлик, Ватанимизга бунёдкорлик бахш этади.

Фикримни хулосалаб, сиз азизларга, Шарқнинг улуғ мутафаккири Саъдий Шерозийнинг қуйидаги пурҳикмат сўзларини келтирмоқчиман:

*Покиза бўлмаса*
*кимнинг қилмиши,*
*Ҳикмат сўзи*
*билан тузалмас иши.*
*Нур ёғар насиҳат*
*сўзламаса ҳам,*
*Туриши ибратдир*
*покиза киши.*

Қанийди, покизаликда ҳар биримиз ибрат кўрсатсак.

**Иброҳим НОРМАТОВ.**

# "Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Шахс, шоҳ ва шоир"



Деҳлида таниқли ҳинд адабиётшунос олими ва шоири, дипломат ва таржимон, Ҳиндистон — Ўзбекистон дўстлик жамияти бош котиби Қамар Раиснинг ўзбекистонлик олима Муҳайё Абдураҳмонова кўмагида урду тилида чоп этилган "Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Шахс, шоҳ ва шоир" номли янги китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Мазкур жамият ҳомийлигида нашр қилинган ушбу китоб тақдимотида Ҳиндистон илм-фан ва маданият намояндалари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, журналистлар, жамоатчилик вакиллари ҳамда мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Бобур сиймоси, унинг бой адабий мероси тўғрисида сўзлаб, шоҳ ва мумтоз шоирнинг Ҳиндистон тарихида ёрқин из қолдирганини, тарихан ўзбек ва ҳинд ёзувчи ва шоирлари ўртасида яқин алоқалар мавжуд бўлганини, ҳозирга келиб бундай алоқалар кўлами янада кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Жомия Миллия Исломия университети ректори Ш.Маҳди Ҳиндистонда Қамар Раис муаллифлигида ўзбек шоир ва ёзувчиларининг ижодига бағишлаб учта китоб нашр этилгани катта эътиборга сазовор эканлигини таъкидлади.

— Мен қарийб қирқ йилдан буён Ўзбекистон ва унинг дўст халқи билан ҳамнафасман, — деди Жавоҳарлал Неру университети профессори Шамсуддин. — Чунки бу диёр ҳинд маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Бобур шоҳнинг ватанидир.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги элчиси И.Мавлонов тадбир иштирокчиларини тақдим этилаётган янги асар билан қутлар экан, Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллик байрами нишонланаётган бир пайтда ушбу китобнинг дунё юзини кўриши бениҳоя қувонарли ҳол эканлигини алоҳида айтиб ўтди. Нотиқ буюк ўзбек шоири, олими, давлат арбоби Бобурнинг бой мероси ҳақида муфассал тўхтаб, унинг катта аҳамиятга эгалигини қайд этди.

Тақдимот маросими Бобур қаламига мансуб бири-биридан гўзал, нафис ва пурмаъно ғазалларнинг мушоираси билан якунланди.

**Шуҳрат УМИРОВ.**
**"Жаҳон" АА.**
**Деҳли.**

## ЛАТИФАЛАР



*Феруза қўшиқ айтишни яхши кўрарди. Бир куни у мусиқа ўқитувчисининг ҳузурига бориб, ашула айтиб берди.*

*— Айтинг-чи, менинг овозимни ҳам бирон ерда ишлатса бўлармикин? — сўради у биронта опера театрини назарда тутиб.*

*— Ҳа, албатта, маълум вазиятларда ишлатса бўлади, — деди ўқитувчи.*

*— Хўш, қанақа вазиятлар экан? — сўради қиз ўсмоқчилаб.*

*— Мана, айтайлик, ёнғин чиққан ерга елиб кетаётган ўт ўчириш машинасининг сиренаси бузилиб қолган бўлса...*

* * *

*— Сиз Шекспирни билмайсизми? — сўрашди бир хонимдан.*

*— Нега энди мен уни билишим керак экан. Нима бало ёки у шу аёл билан яқиндан танишман, деб мақтаниб юрибдими?*

* * *

*Даврон бир куни Санъатга деди:*

*— Жонгинам, сени бир умр қўлларимда кўтариб юраман.*

*— Нима бало, машинангни сотиб юбордингми? — сўради қиз руҳи тушиб.*

* * *

*Мезбон меҳмондан сўради:*

*— Қалай, хотиним айтаётган ашула сизга ёқаяптими?*

*— Кечирасиз, нима дедингиз?*

*— Хотинимнинг ашуласи сизга ёқаяптими, деб сўраяпман.*

*— Эй, барибир эшитмадим. Қаранг, анави ўртага чиқиб олган кампиршо шунчалар бақираяптики, биронта сўзингизни англаб ололмаяпман.*

**САВОЛ БИЗДАН...**

**Орисса штати қайси давлатда жойлашган?**

**136-35-60**

*Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:*

Ҳимолай тоғи Ҳиндистон, Хитой, Непал ва Покистон давлатлари ҳудудини ишғол этган.

# Ассалом, «АРТКАРНАВАЛ»!

Шу кунларда айрим нашрларда, суҳбату мулоқотларда «Арткарнавал» тадбири ҳақида ёзилмоқда, сўз бормоқда. Номиёқ чиройли жаранглаётган бу тадбир, биз учун ҳали янгиликдир ва умид қиламизки, у ўзига хос байрамларимиздан бирига айланиб қолади. «Ўзбектеатр» бирлашмасининг янги раҳбари Омонулла Ризаев ташаббуси билан тез кунларда ўтказилиши режалаштирилаётган «Арткарнавал»да пойтахтимиздаги барча театрларнинг иштирок этиши ва ўз дастурлари билан чиқишлари кўзда тутилган.

Сир эмаски, кейинги беш-ўн йил ичида театр муаммолари, аниқроғи, театр томошабинлари сафининг торайиб кетаётганлиги масаласи кўп ва хўб жиддий муҳокама қилинаяпти. Аммо, афсуски, муаммо ҳануз муаммолигича қолиб келмоқда. Унинг сабабларидан бири сифатида кишиларнинг ўз турмуш ташвишлари билан андармон бўлиши ва бунинг оқибати ўлароқ, театрга келиш кўникмасидан маҳрум бўлиб қолаётгани кўрсатилмоқда. Демак, Муҳаммад тоғ олдига бормаса, тоғ Муҳаммад ёнига келади, дейилганидек, томошабин театрга келмаса, театр томошабин ёнига келиши лозим. Бизнингча, «Арткарнавал»дан кўзланган мақсадлардан бири ҳам шу бўлса, ажаб эмас.

Яқинда бирлашмада катта йиғилиш ўтказилди. Унда республикамиздаги кўзга кўринган барча театр раҳбарлари, режиссёрлари билан театр санъатининг муаммолари ва келажаги ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб олинди. Йиғилишда билдирилган таклифлар, мулоҳазалар, ўртага ташланган ғоялар тез кунда таҳлил этиб чиқилди ва улар асосида бир неча лойиҳалар устида иш бошлаб юборилди, амалий қадамлар қўйилди. Куни кеча ташкил этилган «Ёш артист» ижодкор ёшлар маркази ҳам шу саъй-ҳаракатлар маҳсулидир. Марказга 30 ёшгача бўлган, санъатнинг барча соҳалари билан шуғулланувчи актёрлар, драматурглар, театршунослар, санъат журналистлари, театр рассомлари, балетмейстерлар, хормейстерлар ва бастакорлар билан бирга, келажакда ҳаётини санъатга бахшида этиш орзусида юрган йигит ва қизлар таклиф этилади. Ушбу марказга қабул қилинган аъзолар замонавий мавзудаги пьесалар, сценарийлар, интермедия ва бадиий лавҳалар ёзиш, уларни саҳналаштириш ҳамда ижро этиш, шунингдек, алоҳида театрлар учун махсус бадиий саҳнавий лойиҳалар тайёрлаш ва уларни амалга ошириш билан шуғулланадилар. Тайёр асарлар республика театрларига саҳналаштириш ва ижро этиш учун тавсия қилинади.

Марказнинг келажакдаги истиқболи ёш санъаткорларнинг қобилияти, фидойилиги ва ҳаракатларига боғлиқ. Ёшларга бу кўламдаги имкониятларнинг яратилиши, албатта, яхши самаралар беришига ишончимиз комил. Яна шуниси диққатга моликки, бу ёшлар санъат соҳасининг дарғалари, билимдонлари ва улуғ намояндалари билан бевосита яқин муносабатда бўлиб, республикада ўтказиладиган тадбир ва анжуманлар, спектакллар, премьералар, концертлар, кўрик танловлар, фестивалларнинг бевосита иштирокчилари ва ташкилотчиларига айланадилар.

Айни кунларда «Ўзбектеатр» бирлашмасида ажойиб тантанага тайёргарлик ишлари қизғин. Ушбу тадбир республикамиздаги барча театрларни бир-бири билан дўстона боғлаш ва томошабинни театрга қайтаришдек эзгу ниятлар билан йўғрилган. «Арткарнавал» «Биз бормиз!» шиори остида ўтказилади. Ҳар бир театр карнавалда ўзининг энг яхши спектаклларидан лавҳалар билан қатнашади. Келажакда «Арткарнавал»га вилоят театрлари ҳам жалб этилиши келишиб олинди. Бу гал Тошкентнинг 11 театри йиғилганларга энг сара асарлардан лавҳалар намойиш этади. Олтин кузнинг дастлабки ойи охирги ўн кунлиги ичида ўтказилиши режалаштирилаётган бу карнавал тунги чиройлар оғушида ўзгача бир мафтункор тус олиши, шубҳасиз.

**М.АҲМАДЖОНОВА.**

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча лойиҳа ташкилотлари диққатига!**

*«Ўздаврхитектқурилиш» қўмитасига қарашли пудрат савдоларини ташкил қилиш (тендер) бош бошқармасининг*

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**2003 йил Сирдарё вилоятида қурилиши режалаштирилаётган Бахт шаҳридаги маиший хизмат кўрсатиш комплекси биноларини 300/100 ўринга мўлжалланган касб-ҳунар билим юрти учун қайта қуриш ҳақида лойиҳа пешҳисоб ишларини бажарувчиларга танлов (тендер) эълон қилади.**

*Буюртмачи:* ***Вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси.***
*Объект пешҳисоб лойиҳа ишларини тугатиш муддати — 2002 йил 20 декабрь.*

Пешҳисоб лойиҳа ишларини бажариш давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Танловга қатнашувчи ташкилотларга қуйидаги талаблар қўйилади: лойиҳа ташкилоти касб тажрибасига эга бўлиши, лойиҳа ишларини олиб бориш учун рухсатнома, молиявий муқобиллиги, лойиҳа ишларини бажарувчи етарли миқдорда мутахассисларга ва лойиҳалаш техникасига ҳамда шартнома шартларини бажариш қобилиятига эга бўлиши шарт.

Танлов қатнашчилари тендер ҳужжатларини олиш учун шу йилнинг 15 октябригача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Гулистон шаҳри, Ахматова кўчаси, 30-уй, вилоят тендер бошқармаси.**

**Телефонлар: (8-367-2) 27-64-42, факс: 27-64-84.**

6351/2647

**Оферталар (таклифлар) очилиш мажлиси эълон матбуотда чоп этилган кундан 30 кун кейин юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади.**